

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЎҚОТАР ҚУРОЛ ВА УНИНГ ЎҚ-ДОРИЛАРИ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, БЕЛАРУС РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

Норбутаев Эркин Хурозович

ИИБ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси профессори в.б.

DOI: 10.5281/zenodo.22810422

ANNOTATSIYA: Мақолада Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигида ўқотар қурол, унинг асосий (таркибий) қисмлари ва ўқ-дориларининг ноқонуний муомаласи учун белгиланган маъмурий жавобгарлик институти қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинади. Муаллиф учала давлатнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекслари нормаларини ҳуқуқбузарлик таркибининг барча элементлари — объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон — кесимида таққослайди, маъмурий ва жиноий жавобгарликни фарқлаш мезонларини аниқлайди, санкциялар тизимининг ўзига хослигини очиқ беради ҳамда МДХ маконида маъмурий-деликт қонунчилигини уйғунлаштириш истикболларини баҳолайди. Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Kalit so'zlar: ўқотар қурол, ўқ-дори, ноқонуний муомала, маъмурий жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби, мусодара, қиёсий ҳуқуқшунослик, МДХ, жамоат хавфсизлиги

Қурол айланмаси соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу муносабатлар бир вақтнинг ўзида икки хил қадриятни — шахснинг ўз ҳаёти ва мулкини ҳимоя қилиш эҳтиёжини ҳамда жамиятнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш заруратини — қамраб олади. Айни шу икки бошланиш ўртасидаги мувозанат нафақат қурол айланмасининг руҳсат бериш (лицензиялаш) тартибини, балки унинг бузилиши учун белгиланадиган жавобгарлик турлари ва даражаларини ҳам белгилаб беради. Ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларининг ноқонуний муомаласи — яъни қонунда белгиланган тартибдан четга чиққан ҳолда уларни олиш, топшириш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, жўнатиш ва бошқа ҳаракатларни содир этиш — деликтологик нуқтаи назардан юқори даражадаги латентликка эга бўлган, оқибатлари эса кўпинча қайтариб бўлмас характер касб этадиган ҳуқуқбузарликлар туркумига киради. Худди шу

сабабли МДХ давлатларида ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чоралари икки поғонали — жиноий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий — тизим шаклида қурилган бўлиб, уларнинг ўзаро нисбати ва чегараси сўнгги йигирма йил мобайнида такрор-такрор қайта кўриб чиқилмоқда.

Мазкур мақоланинг мақсади — Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ва Қозоғистон Республикаси мисолида МДХ давлатлари қонунчилигида ўқотар қурол ва ўқ-дориларининг ноқонуний муомаласи учун маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий табиати, таркибий элементлари, санкциялар тизими ва қўллаш амалиётининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, шу асосда Ўзбекистон Республикаси маъмурий-деликт қонунчилигини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот объекти сифатида танланган уч давлат тасодифан белгиланмаган: улар МДХ доирасидаги энг чуқур интеграцион бирлашма — Евроосиё иқтисодий

иттифоқи ва Иттифокдош давлатнинг асосий иштирокчилари бўлиб, уларнинг ҳудудида қурол ва ҳарбий тайинланган маҳсулотларнинг ҳаракати умумий божхона маконининг мавжудлиги туфайли ўзаро боғлиқдир. Бундан ташқари, учала давлат ҳам совет ҳуқуқий анъанасининг умумий негизига эга бўлгани ҳолда, охириги ўн беш йилда маъмурий-деликт қонунчилигини тубдан ислоҳ қилиб, бир-биридан анча фарқ қиладиган моделларни шакллантирди: Қозоғистон 2014 йилда мутлақо янги таҳрирдаги Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексни, Беларус эса 2021 йилда амалга кирган янги кодексни қабул қилди, Россия Федерацияси эса 2001 йилги кодексни сақлаб қолган ҳолда уни ўнлаб марта, айниқса қурол соҳасида, жиддий ўзгартиришлар билан тўлдирди. Ана шу ҳолат қиёсий таҳлил учун ғоят қулай методологик заминни яратди.

Тадқиқотнинг методологик асосини қиёсий-ҳуқуқий, формал-юридик, тизимли-структуравий ва ҳуқуқий-деликтологик усуллар ташкил этади. Қиёсий таҳлил функционал ёндашув асосида олиб борилди: таққосланаётган нормалар расмий номланиши ёки кодексдаги ўрни бўйича эмас, балки улар бажарадиган ҳуқуқий функция — қурол айланмасининг рухсат бериш режимини муҳофаза қилиш функцияси — бўйича таққосланди. Бу ёндашув, масалан, Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 20.⁸-моддаси, Беларус Республикаси кодексининг 24.⁴⁶-моддаси ва Қозоғистон Республикаси кодексининг 482-моддасини, улар турли бобларда жойлашганига ва турлича номланишига қарамай, бир функционал гуруҳга бирлаштириш имконини беради.

Таҳлилни бошлашдан аввал тадқиқот предметининг тушунчавий чегараларини аниқлаш зарур. «Қурол муомаласи» (айланмаси) тушунчаси таққосланаётган уч давлатнинг қонунчилигида деярли бир хил кенг мазмунда талқин қилинади, бироқ фақат Қозоғистон қонунчилиги бу таърифни бевосита маъмурий-деликт кодексининг матнига киритган. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 484-моддасига эслатмада қурол муомаласи деганда қурол, шу жумладан унинг асосий (таркибий) қисмлари ва унга мўлжалланган патронларни ишлаб чиқариш, йиғиш, таъмирлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш (савдо), топшириш, ҳадя этиш, мукофотлаш, мерос қилиб олиш, сотиб олиш, коллекциялаш, экспонат сифатида намоиш этиш, ҳисобга олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, фойдаланиш, олиб қўйиш, йўқ қилиш, Қозоғистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзда ўтказиш тушунилиши белгиланган. Ушбу қонуний таъриф ғоят муҳим юридик-техник аҳамиятга эга, зеро у ҳуқуқни қўлловчи органга бланкет нормага мурожаат қилмасдан туриб ҳуқуқбузарликнинг объектив томони доирасини аниқлаш имконини беради. Россия ва Беларус қонунчилигида эса бу таъриф маъмурий кодексда эмас, балки махсус қонунларда — «Қурол тўғрисида»ги қонунларда — мустаҳкамланган бўлиб, маъмурий-деликт нормалари бланкет характерга эга.

Ноқонуний муомала тушунчасининг ўзи эса учала ҳуқуқий тизимда ҳам икки ҳолатни қамраб

олади. Биринчиси — қурол айланмасининг субъектив ҳуқуқий асоси мутлақо мавжуд бўлмаган ҳолат, яъни шахс лицензия ёки рухсатномага эга бўлмасдан туриб қуролни сақлаши, олиб юриши ёки реализация қилиши. Иккинчиси — шахс қонуний асосга эга бўлса-да, қонунчиликда белгиланган муомала қоидаларини бузган ҳолат, масалан, қуролни сейфда сақлаш талабларини бажармаслик, рўйхатдан ўтказиш ёки рухсатнома муддатини узайтириш муддатларини ўтказиб юбориш. Ушбу иккилиниш маъмурий-деликт нормаларининг диспозицияларида ҳам аниқ акс этган ва аслида икки хил ҳуқуқбузарликлар гуруҳини шакллантиради: «ноқонуний ҳаракатлар» гуруҳи ва «қоидаларни бузиш» гуруҳи. Россия Федерацияси амалиётида бу фарқ 20.8- ва 20.10-моддалар ўртасидаги чегарани белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, олий суд амалиёти ва ҳуқуқий доктринада бир неча бор шарҳланган: агар шахс қуролни қонуний асосда, лекин сақлаш қоидаларини бузган ҳолда сақласа, унинг ҳаракатлари 20.8-модда бўйича, агар эса ҳеч қандай қонуний асос бўлмаса — 20.10-модда бўйича квалификация қилинади. Рухсатнома муддати ўтиб кетган, бироқ ҳали бекор қилинмаган ҳолатлар сақлаш қоидаларининг бузилиши сифатида баҳоланади, рухсатнома бекор қилиниб, шахс бу ҳақда хабардор қилинган ҳолатларда эса ҳаракат ноқонуний сақлаш сифатида квалификация қилинади.

Ҳуқуқбузарлик таркибининг биринчи элементи — унинг объекти — таққосланаётган уч давлат қонунчилигида умумий жиҳатдан бир хил тарзда, яъни жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар сифатида белгиланади. Бироқ кодексларнинг структуравий тузилишида бу ягоналик бузилади. Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексда қурол айланмасига оид нормалар 20-бобда — жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига таъовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар бобида — 20.8–20.15-моддалар шаклида яхлит блок ҳосил қилади. Беларус Республикасининг 2021 йилги кодексда тегишли нормалар 24-бобда — 24.29, 24.30, 24.31, 24.32 ва 24.46-моддаларда — жойлашган. Қозоғистон Республикаси кодексда эса ушбу нормалар 482, 483 ва 484-моддаларда мужассамланган. Шундай қилиб, учала ҳуқуқий тизимда ҳам қонун чиқарувчи қурол айланмаси соҳасидаги нормаларни бир-бирига яқин жойлаштириб, уларни яхлит институт сифатида шакллантиришга интилган, бу эса ушбу ҳуқуқбузарликларнинг ягона гуруҳий объектга эгаллигини тасдиқлайди.

Ҳуқуқбузарликнинг бевосита объектини аниқлашда эса муҳим фарқлар кузатилади. Россия модели бевосита объектни максимал даражада дифференциациялашга интилади: 20.8-модданинг турли қисмлари сақлаш қоидаларининг бузилиши, қуролнинг йўқолиши, оммавий тадбирларда қурол тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши, патронларни мустақил тайёрлаш учун мўлжалланган ташаббускор ва ёнувчи моддаларни (порох, капсуль) сақлаш қоидаларининг бузилиши каби мустақил таркибларни ажратиб кўрсатади. Беларус модели эса объектни предмет бўйича дифференциациялайди:

24.46-модда фақат овчилик ўқотар силлиқ милтиқли қуролига нисбатан ноқонуний ҳаракатларни, 24.29-модда газли, пневматик, отувчи ва совуқ қуролга нисбатан ноқонуний ҳаракатларни қамраб олади. Қозоғистон модели ҳам предмет мезонига таянади, бироқ уни янада кенгрок тарзда қўллайди.

Хуқуқбузарлик предмети масаласи қиёсий таҳлилнинг энг мураккаб ва айна пайтда энг маҳсулдор нуктасидир, чунки айнан предмет учала давлатда ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарлик ўртасидаги асосий чегаравий мезон вазифасини бажаради. Қозоғистон Республикаси Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 482-моддасида хуқуқбузарлик предмети доираси ғоят аниқ ва батафсил санаб ўтилган: ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилмаган силлиқ милтиқли, газли қурол ва унга мўлжалланган патронлар, электр қуроли, отувчи қурол, ўқ отмайдиган ҳолга келтирилган (охлащённое) қурол, сигнал қуроли, оғиз энергияси 7,5 Жоулдан ортиқ ва калибри 4,5 миллиметрдан катта бўлган пневматик қурол, шунингдек уларнинг асосий (таркибий) қисмлари. Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, қозоқ қонун чиқарувчиси нарезли ўқотар қуролни маъмурий жавобгарлик доирасидан бутунлай чиқариб ташлаган — унга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар фақат жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Бу — қонунчилик техникасининг жуда муваффақиятли ечими, чунки у квалификация жараёнида баҳолав тушунчаларига мурожаат қилиш заруратини деярли йўққа чиқаради.

Беларус модели ҳам шунга ўхшаш мантиққа асосланган, бироқ у янада соддарок: 24.46-модда фақат овчилик ўқотар силлиқ милтиқли қуроли ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни ноқонуний олиш, эгаликка топшириш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки олиб юриш, шунингдек бундай қуролнинг таркибий қисмлари ёки компонентларини ноқонуний олиш, эгаликка топшириш, ташиш, жўнатиш ёки олиб юришни қамраб олади. Қолган барча ўқотар қурол турлари — биринчи навбатда нарезли қурол — Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 295-моддаси доирасига киради. Демак, Беларусда ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарлик ўртасидаги чегара тўлиқ предметга асосланган бўлиб, бу хуқуқни қўллаш амалиётида квалификация хатоларининг сонини кескин камайтиради.

Россия Федерациясидаги вазият анча мураккаброқ ва динамикроқ. Дастлаб Жиноят кодексининг 222-моддаси барча турдаги ўқотар қуролга нисбатан ноқонуний ҳаракатларни қамраб олган бўлса, кейинчалик амалга оширилган ислохотлар натижасида фуқаролик ўқотар силлиқ милтиқли узун стволли қурол, чекланган зарар етказувчи ўқотар қурол, газли ва совуқ қурол, шу жумладан отувчи қурол ушбу модданинг биринчи қисми амалидан чиқарилди. Натижада ҳозирги пайтда фуқаролик ўқотар қуролни ноқонуний олиб юриш, сақлаш ва олиш (сотиш ҳолатларидан ташқари) учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган бўлиб, бундай ҳаракатлар фақат маъмурий тартибда таъкиб қилинади. Айна пайтда Жиноят кодекси 222.2-модда билан тўлдирилиб, йирик калибмли ўқотар қурол, унинг асосий қисмлари ва ўқ-дориларини ноқонуний

олиш, топшириш, сотиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки олиб юриш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланди, ноқонуний сотиш учун жазо эса беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш даражасига кўтарилди ҳамда ахборот-телекоммуникация тармоқларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланиш квалификацияловчи белги сифатида киритилди. Бу ҳол Россия моделининг ўзига хос иккиёқлама тенденциясини кўрсатади: бир томондан, оммавий тарқалган фуқаролик қуроли билан боғлиқ кам хавфли ҳаракатларнинг декриминализацияси, иккинчи томондан — юқори хавфли предметлар ва ташкилий шаклларга нисбатан репрессиянинг кучайтирилиши. Айна шу тенденция МДХ маконидаги қурол қонунчилигининг умумий ривожланиш йўналишини ифодалайди.

Хуқуқбузарликнинг объектив томони таҳлили таққосланаётган моделлар ўртасидаги фарқларни янада аниқроқ намоён қилади. Барча уч давлат қонунчилигида объектив томон, аввало, ҳаракатнинг муқобил шакллари орқали таърифланади. Қозоғистон Республикаси кодексининг 482-моддасида бу шакллар — ноқонуний олиш, топшириш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш. Беларус Республикаси кодексининг 24.46-моддасида — ноқонуний олиш, эгаликка топшириш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки олиб юриш. Россия Федерацияси кодексининг 20.8-моддаси эса ноқонуний олиш, сотиш, топшириш, сақлаш, ташиш ёки олиб юришни қамраб олади. Кўринадики, ҳаракат шакллари рўйхати деярли бир хил бўлиб, бу совет хуқуқий анъанасининг умумийлигидан далолат беради. Айна пайтда Беларус қонунчилигида «жўнатиш» (пересылка) шаклининг мавжудлиги, Қозоғистон қонунчилигида эса «реализация қилиш» атамасининг қўлланиши амалий аҳамиятга эга: биринчи ҳолда почта ва курьерлик хизматлари орқали қурол ҳаракати қамраб олинади, иккинчи ҳолда эса тадбиркорлик фаолияти доирасидаги савдо ҳам назарда тутилади, бу эса юридик шахсларни жавобгарликка тортиш имконини кенгайтиради.

Объектив томоннинг иккинчи гуруҳи — қоидаларни бузиш шаклидаги таркиблар — учала мамлакатда ҳам бланкет диспозициялар орқали ифодаланган. Россия Федерацияси кодексининг 20.8-модда 4-қисми фуқаролар томонидан қурол ва унга мўлжалланган патронларни сақлаш, олиб юриш ёки йўқ қилиш қоидаларининг бузилишини назарда тутди. Ушбу модданинг 4.3-қисми сифат жиҳатидан янги таркибни — қоидабузарлик натижасида қуролнинг йўқолишини — ажратиб кўрсатади. 4.4-қисм фуқаролик ўқотар узун стволли қуролга патронларни мустақил тайёрлаш учун мўлжалланган ташаббускор ва ёнувчи моддалар ҳамда материалларни (порох, капсуль) сақлаш қоидаларининг бузилишига қаратилган бўлиб, бу норма нисбатан яқинда, фуқароларнинг ўз-ўзидан патрон тайёрлаш амалиётининг кенгайиши муносабати билан киритилган. 4.5-қисм эса ғоят ўзига хос бўлиб, у йиғилиш, митинг, намойиш, юриш, пикет, диний маросим ва байрам, маданий-қўнғилочар, спорт ва бошқа оммавий тадбир иштирокчиси томонидан қурол тўғрисидаги қонунчилик талабларининг

бузилишини мустақил таркиб сифатида белгилайди. Ушбу норманинг мавжудлиги Россия қонунчилигида қурол айланмаси режимининг жамоат тартибини муҳофаза қилиш вазифалари билан ҳамбарчас боғлаб қўйилганини кўрсатади ва бошқа икки давлат қонунчилигида бевосита аналогга эга эмас.

Беларус Республикаси қонунчилигида объектив томоннинг ушбу гуруҳи 24.30-модда (ўқотар қурол, портлаш хавфи бор, тез ёнувчи, едирувчи моддалар ёки пиротехника буюмлари билан муомала қоидаларининг бузилиши), 24.31-модда (ўқотар, газли, пневматик ёки отувчи қуролни рўйхатдан ўтказиш муддатлари, уни сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномалар амал қилиш муддатини узайтириш муддатлари ёхуд уни ҳисобга қўйиш қоидаларининг бузилиши) ва 24.32-модда (ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни реализация қилишдан бош тортиш) орқали қамраб олинган. 24.32-модда алоҳида диққатга сазовор: у сақлашга доир рухсатномаси бекор қилинган шахс томонидан ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни реализация қилишдан бош тортишни назарда тутати ва икки базавий миқдордан тўрт базавий миқдоргача жарима билан жазоланади. Ушбу конструкция ҳаракатсизлик шаклидаги ҳуқуқбузарликнинг классик намунаси бўлиб, унинг мазмунини қурол эгаллик ҳуқуқининг қонуний асоси йўқолганида предметни фуқаролик муомаласидан чиқариш мажбуриятини таъминлашдан иборат. Шунингдек, Беларус қонунчилигида гражданлик ёки хизмат қуролига товушсиз отиш мосламаси ёхуд тунги кўриш мўлжали (мўлжаллаш комплекси) ўрнатиш учун ҳам алоҳида маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Қозғистон Республикасида объектив томоннинг ушбу гуруҳи асосан 484-модда — фуқаролик ва хизмат қуроли муомаласи қоидаларининг бузилиши — орқали қамраб олинган. Бу норма бланкет характерга эга бўлиб, қурол айланмасининг ҳар қандай босқичидаги қоидабузарлиқни, агар унда жиноят белгилари бўлмаса, қамраб олади. Ушбу ечимнинг афзаллиги — норманинг универсаллиги ва кодекс матнининг ихчамлигида, камчилиги эса — квалификация чоғида ҳуқуқни қўлловчи органга берилган дискрецион ваколатнинг кенглиги ҳамда фуқаро учун ҳуқуқий аниқлик даражасининг нисбатан пастлигидир. Россия моделининг батафсил дифференциацияси, аксинча, ҳуқуқий аниқликни таъминлайди, лекин кодекс матнини оғирлаштирати ва нормалар рақобати муаммосини келтириб чиқаради.

Ҳуқуқбузарлик субъектлари доираси масаласида таққосланаётган моделлар орасидаги фарқ энг ёрқин намоён бўлади. Россия ва Беларус қонунчилигида субъектлар анъанавий уч гуруҳга — фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахсларга — бўлинади. Қозғистон Республикаси кодекси эса ўзига хос, МДХ маконида камдан-кам учрайдиган ечимни қўллайди: у юридик шахсларни тадбиркорлик субъекти сифатидаги мақомига қараб тўрт тоифага ажратади — кичик тадбиркорлик субъектлари ёки нотижорат ташкилотлар, ўрта тадбиркорлик субъектлари, йирик тадбиркорлик субъектлари. Шунга мувофиқ, 482-модданинг биринчи қисми

бўйича жисмоний шахсларга йигирма ойлик ҳисоб кўрсаткичи миқдорида, кичик тадбиркорлик субъектлари ёки нотижорат ташкилотларга йигирма беш, ўрта тадбиркорлик субъектларига ўттиз, йирик тадбиркорлик субъектларига қирқ ойлик ҳисоб кўрсаткичи миқдорида жарима қурол ҳамда унинг асосий (таркибий) қисмларини мусодара қилиш билан белгиланади. Ушбу дифференциация маъмурий жазонинг индивидуаллаштирилиши ва адолатлилиги тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, ҳуқуқбузарнинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олиш орқали жазонинг реал таъсирчанлигини тенглаштирати. Шу маънода қозоқ модели қиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан илғор ечим сифатида баҳоляниши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик ёши масаласида учала давлат ҳам умумий ёндашувни — ўн олти ёшни — сақлаб қолган. Бироқ қурол айланмаси соҳасида бу мезон амалда жиддий муаммо туғдиради, чунки қурол сотиб олиш ҳуқуқи учун белгиланган ёш ценз анча юқори (одатда ўн саккиз ёки йигирма бир ёш). Натижада ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар қуролни қонуний равишда ололмайди, лекин уни ноқонуний сақлагани учун тўлақонли маъмурий жавобгарликка тортилади. Бу ҳолат ўзгинасидан зиддиятли эмас, бироқ вояга етмаганларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллашда тарбиявий таъсир чораларининг устуворлигини таъминлайдиган махсус нормаларнинг мавжудлигини талаб қилади.

Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони учала ҳуқуқий тизимда ҳам, қоида тариқасида, айбнинг ҳар икки шакли — қасд ва эҳтиётсизлик — орқали ифодаланиши мумкин. Ноқонуний олиш, сотиш ёки топшириш шаклидаги ҳаракатлар табиатан фақат тўғри қасд билан содир этилади, чунки шахс предметнинг хусусиятини ва ўз ҳаракатларининг ноқонуний характерини англайди. Сақлаш ёки олиб юриш қоидаларининг бузилиши эса қўпинча эҳтиётсизлик, аниқроғи — беписандлик шаклида содир этилади. Қуролнинг йўқолиши билан боғлиқ таркиб (Россия Федерацияси кодексининг 20.8-модда 4.3-қисми) эса моддий таркиб бўлиб, бунда оқибат — қуролнинг эгаллик ҳуқуқидан чиқиб кетиши — мажбурий белги ҳисобланади ва айб қўпинча эҳтиётсизлик шаклида бўлади. Ушбу фарқларнинг амалий аҳамияти жазо тайинлашда, хусусан енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишда намоён бўлади.

Санкциялар тизими қиёсий таҳлилнинг алоҳида ва низоҳатда муҳим йўналишидир. Учала давлатда ҳам ушбу соҳада қўлланиладиган асосий жазо тури — маъмурий жарима, асосий қўшимча жазо тури эса — ҳуқуқбузарлик предметини мусодара қилиш. Бироқ жарима миқдорини ҳисоблаш усулида принципаал фарқ мавжуд. Россия Федерацияси жарима миқдорини абсолют рақамларда — рублларда — белгилайди. Масалан, 20.8-модда 4-қисми бўйича фуқароларга беш юз рублдан икки минг рублгача жарима ёки қурол олиш ва сақлаш ёхуд сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум қилиш; 4.3-қисм бўйича беш минг рублдан ўн минг рублгача жарима қуролни мусодара қилиш билан ёки мусодарасиз ёхуд тегишли ҳуқуқдан бир йилдан уч

йилгача муддатга маҳрум қилиш; мастлик ҳолатида қурол олиб юриш учун беш минг рублгача жарима қурол ва патронларни мусодара қилиш ёки икки йилгача муддатга тегишли ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан. Беларус ва Қозоғистон эса нисбий ҳисоб бирликларидан фойдаланади: Беларусда бу — базавий миқдор, Қозоғистонда — ойлик ҳисоб кўрсаткичи. Масалан, Беларус Республикаси кодексининг 24.46-моддаси ўн базавий миқдордан ўттиз базавий миқдоргача жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик предметини мусодара қилиш билан ёки мусодарасиз ёхуд маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазолашни назарда тутди.

Ҳисоб бирлигини танлаш масаласи биринчи қарашда техник кўринса-да, амалда у жазонинг узок муддатли самарадорлигини белгилайди. Абсолют рақамларда белгиланган жарима инфляция таъсирида аста-секин ўзининг превентив салоҳиятини йўқотади ва қонун чиқарувчидан даврий равишда кодексга тузатишлар киритишни талаб қилади. Нисбий бирликлар эса жарима миқдорининг иқтисодий кўрсаткичлар билан автоматик равишда индексациялаш имконини беради ва жазо чораларининг барқарорлигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан Беларус ва Қозоғистон моделлари Россия моделига нисбатан афзалроқ кўринади, бу ҳулоса Ўзбекистон қонунчилиги учун ҳам бевосита аҳамиятга эга, зеро Ўзбекистонда ҳам базавий ҳисоблаш миқдорида асосланган тизим қўлланилади.

Мусодара институти қиёсий таҳлилнинг алоҳида масаласидир. Учала давлатда ҳам мусодара қурол айланмаси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун энг характерли қўшимча жазо ҳисобланади, чунки у ҳуқуқбузарликнинг моддий асосини — предметнинг ўзини — тугатади ва шу тарика рецидив хавфини кескин камайтиради. Бироқ мусодаранинг мажбурийлик даражаси турлича. Қозоғистон Республикаси кодексининг 482-моддасида мусодара императив тарзда, яъни санкциянинг ажралмас қисми сифатида белгиланган — бу ҳуқуқни қўлловчи органга ҳеч қандай танлов эркинлиги қолдирмайди. Беларус Республикаси кодексининг 24.46-моддасида мусодара факультатив тарзда («мусодара қилиш билан ёки мусодарасиз») кўрсатилган. Россия Федерацияси кодексига эса ёндашув аралаш: айрим қисмларда мусодара факультатив, бошқаларида эса, масалан 20.8-модданинг олтинчи қисмида, мажбурий тарзда қўлланилади. Императив мусодара ҳуқуқий аниқлик ва жазо муқаррарлиги нуқтаи назаридан афзал бўлса, факультатив мусодара индивидуаллаштириш ва мутаносиблик тамойилларига кўпроқ мос келади. Оптимал ечим, назаримизда, ҳуқуқбузарлик предметининг хавфлилик даражасига боғлиқ равишда танланиши лозим: ўқотар қурол ва ҳарбий ўқдориларга нисбатан мусодара мажбурий, кам хавфли предметларга (масалан, пневматик қуролга) нисбатан эса факультатив бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маъмурий жазоларнинг учинчи муҳим тури — маълум ҳуқуқдан маҳрум қилиш, яъни қурол олиш, сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқининг муайян муддатга тўхтатилиши — учала тизимда ҳам мавжуд, бироқ Россия Федерацияси қонунчилигида у энг батафсил ишлаб чиқилган ва муддатлари ҳуқуқбузарликнинг

оғирлигига қараб олти ойдан уч йилгача даражаланган. Бу жазо тури ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра соф жазо эмас, балки кўпроқ хавфсизлик чораси характерига эга, зеро унинг мақсади — ҳуқуқбузарни жазолашдан кўра, қурол билан боғлиқ хавф манбаини муайян муддатга бартараф этишдир. Айнан шу сабабли доктринада ушбу чоранинг қўшимча жазо сифатидаги мақоми бир неча бор танқид қилинган ва уни маъмурий-ҳуқуқий таъсир чоралари тизимида алоҳида ажратиш таклиф этилган.

Россия Федерацияси қонунчилигининг ўзига хос жиҳати — қурол айланмаси соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳибс жазосининг қўлланиши имконияти. Ушбу жазо тури суд ваколатига киритилган бўлиб, суд ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларига, айбдорнинг шахсига ва бошқа муҳим омилларга қараб жарима ёки ҳибс тайинлаш масаласини ҳал қилади; мусодара эса шундай ҳолатларда мажбурий тартибда амалга оширилади. Беларус ва Қозоғистон қонунчилигида ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳибс жазоси, қоида тариқасида, назарда тутилмаган. Ушбу фарқ Россия маъмурий-деликт сиёсатининг нисбатан репрессивроқ характерини кўрсатади ва айти пайтда маъмурий жавобгарликнинг жиноий жавобгарликка функционал яқинлашувини ифодалайди, бу эса доктринада «маъмурий жазоларнинг криминализацияси» деб номланган жараённинг бир кўринишидир.

Такрорийлик (повторность) институти қиёсий таҳлилда алоҳида ўрин тутди. Қозоғистон Республикаси қонунчилиги ушбу белгини маъмурий жазо тайинланганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган ҳаракат сифатида квалификацияловчи белги даражасига кўтарган. Хусусан, 482-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, биринчи қисмда назарда тутилган ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилса, жисмоний шахсларга ўттиз, кичик тадбиркорлик субъектлари ёки нотижорат ташкилотларга ўттиз беш, ўрта тадбиркорлик субъектларига қирқ, йирик тадбиркорлик субъектларига эллик ойлик ҳисоб кўрсаткичи миқдорида жарима қурол ҳамда унинг асосий (таркибий) қисмларини мусодара қилиш билан белгиланади. Шунга ўхшаш конструкция 484-моддада ҳам мавжуд бўлиб, унда такрорийлик жисмоний шахслар учун йигирма, юридик шахслар учун саксон ойлик ҳисоб кўрсаткичи миқдорида жарима ҳамда лицензия ва (ёки) рухсатномадан маҳрум қилиш билан ёки ундан маҳрум қилмасдан жазоланишни назарда тутди. Ушбу ечим маъмурий жазонинг тарбиявий-огоҳлантирувчи функциясини кучайтиради ва барқарор ҳуқуқбузар ҳуқ-атворга нисбатан босқичма-босқич кучайиб боровчи таъсир механизмини яратади. Россия Федерацияси қонунчилигида такрорийлик қурол соҳасида квалификацияловчи белги сифатида кам қўлланилади ва асосан жавобгарликни оғирлаштирувчи умумий ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг махсус асоси — қуролни ихтиёрий равишда топшириш институти — учала давлат қонунчилигида

хам мавжуд бўлиб, у қурол айланмаси соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солишнинг энг самарали превентив механизмларидан биридир. Қозоғистон Республикаси кодексининг 482-моддасига эслатмага мувофиқ, ноқонуний сақланаётган қуролни, шунингдек унинг асосий (таркибий) қисмларини ихтиёрий равишда топширган шахс, агар унинг ҳаракатларида бошқа ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаса, маъмурий жавобгарликдан озод қилинади. Беларус Республикаси кодексида ҳам худди шундай эслатма мавжуд бўлиб, унга кўра тегишли моддаларда кўрсатилган предметларни ихтиёрий равишда топширган шахс ушбу моддаларда назарда тутилган ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликдан озод қилинади. Беларус Жиноят кодексида ҳам аналогик норма мавжуд: 295, 296 ва 297-моддаларда кўрсатилган предметларни ихтиёрий равишда, шу жумладан ҳокимият органларининг таклифи бўйича топширган шахс, сотиш ҳолатларидан ташқари, ушбу моддаларда назарда тутилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Ихтиёрий топшириш институтининг ҳуқуқий табиати ҳақида доктринада баҳс мавжуд. Бир қараш тарафдорлари уни жавобгарликдан озод қилишнинг рағбатлантирувчи (поощрительная) нормаси, яъни шахснинг ижобий постделикт ҳуққ-атворини рағбатлантириш воситаси деб ҳисоблашади. Бошқа қараш тарафдорлари эса уни ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилигини бартараф этувчи ҳолат сифатида талқин қилишади. Амалий нуқтаи назардан ушбу баҳс иккинчи даражали аҳамиятга эга, зеро ҳар икки талқинда ҳам норманинг мақсади бир хил: аҳоли қўлидаги назоратсиз қурол ҳажмини камайтириш ва шу орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Ушбу институтнинг самарадорлиги МДХ давлатларида даврий равишда ўтказиладиган қуролни ихтиёрий равишда топшириш акциялари амалиёти билан амалда тасдиқланган бўлиб, бундай акциялар давомида топширилган қурол учун моддий тарзда мукофот бериш механизми жорий этилган ҳолларда уларнинг натижадорлиги бир неча баравар ошиши кузатилган.

Маъмурий ва жиноий жавобгарликни фарқлаш масаласи қурол айланмаси соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг марказий муаммоси бўлиб қолмоқда. Юқорида таъкидланганидек, асосий чегаравий мезон — ҳуқуқбузарлик предмети. Бироқ ундан ташқари яна бир қатор қўшимча мезонлар мавжуд. Биринчиси — ҳаракатнинг тури: ноқонуний сотиш барча уч давлатда ҳам, қонда тариқасида, жиноят деб топилади, ҳолбуки сақлаш ёки олиб юриш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Иккинчиси — предметнинг миқдори: айрим ҳолларда катта миқдордаги ўқ-дориларнинг мавжудлиги ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини сифат жиҳатидан оширади. Учинчиси — содир этиш шакли: гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилиш. Тўртинчиси — ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги. Барча уч давлатнинг маъмурий-деликт нормалари диспозицияларида «агар бу ҳаракатларда жиноят белгилари мавжуд бўлмаса» деган қайд мавжуд бўлиб, у маъмурий норманинг жиноий нормага нисбатан субсидиар (иккинчи даражали) характери кунда

мустаҳкамлайди. Ушбу юридик-техник восита нормалар рақобати муаммосини ҳал қилишнинг классик усули ҳисобланади.

Россия Федерацияси Олий Судининг қурол, ўқ-дори, портловчи модда ва портлатувчи қурилмаларни талон-торож қилиш, товламачилик йўли билан олиш ва ноқонуний муомаласига доир ишлар бўйича суд амалиётига бағишланган Пленум қарорида бир қатор муҳим шарҳлар берилган. Хусусан, ноқонуний сотиш деганда кўрсатилган предметларнинг ноқонуний битим (ҳақ эвазига ёки ҳақсиз) натижасида бошқа шахсга қайтариб бўлмас тарзда ўтказилиши, яъни сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш ва шу қабилар тушунилиши белгиланган — бу ноқонуний топширишдан фарқли ўлароқ, эгалик ҳуқуқининг узил-кесил ўтишини англатади. Шунингдек, Пленум шахс томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик (масалан, қурол ва ўқ-дориларни сақлаш ёки олиб юриш, уларни сотиш қоидаларининг бузилиши, қуролни ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаслик ва қайта рўйхатдан ўтказмаслик каби) аини пайтда жиноят белгиларини ўз ичига олмаган ҳолларда, ушбу шахс фақат маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган. Ушбу тушунтириш маъмурий ва жиноий жавобгарлик чегарасини амалда белгилашда таянч аҳамиятга эга.

Процессуал жиҳатлар соҳасида ҳам таққосланаётган моделлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Россия Федерациясида қурол айланмаси соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённомалар тузиш ваколати, асосан, Росгвардия — Миллий гвардия қўшинлари федерал хизматининг ваколатли органларига берилган бўлиб, бу ваколатнинг махсус органга ўтказилиши 2016 йилги ислохот натижасидир. Ушбу ечимнинг афзаллиги — назорат ва жавобгарликка тортиш функцияларининг битта ихтисослашган органда мужассамлашуви ҳамда лицензиялаш-рухсат бериш тизими билан деликт таъқиби ўртасида ахборот алоқасининг узвийлигидир. Беларус ва Қозоғистон Республикаларида эса ушбу ваколат анъанавий тарзда ички ишлар органларида сақланиб қолган.

Ишларни кўриб чиқиш ваколати масаласида барча уч тизимда ҳам аралаш модел қўлланилади: мусодара ёки маълум ҳуқуқдан маҳрум қилиш каби жиддий жазолар қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда иш суд томонидан кўриб чиқилади, қолган ҳолларда эса ваколатли маъмурий орган томонидан ҳал қилинади. Ушбу ечим Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг «жиноий айблов» тушунчасига доир ҳуқуқий позициясига ва суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ қафолатларига мос келади, зеро мулкдан маҳрум қилиш ёки ҳуқуқни чеклаш билан боғлиқ чоралар албатта суд назорати остида бўлиши лозим.

Маъмурий жавобгарликка тортиш муддатлари соҳасида таққосланаётган давлатлар турли ечимларни қўллаган. Россия Федерацияси қурол тўғрисидаги қонунчилиكنинг бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун умумий муддатга нисбатан узайтирилган муддатни белгиланган бўлиб, бу ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг юқори латентлигини ҳисобга олган ечимдир. Беларус ва Қозоғистон қонунчилигида ҳам муддатлар

дифференциациялашган тарзда белгиланган. Умуман олганда, қурол соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун узайтирилган муддатларни белгилаш тенденцияси МДХ маконида умумий характерга эга ва илмий жиҳатдан асосли, зеро бундай ҳуқуқбузарликлар кўпинча бошқа ҳуқуқбузарликлар текширилаётган пайтда, яъни содир этилганидан анча вақт ўтгач аниқланади.

Маъмурий жавобгарликнинг қурол айланмаси соҳасидаги яна бир ўзига хос хусусияти — унинг натижасида юзага келадиган ҳуқуқий оқибатларнинг маъмурий жазонинг ўзидан ташқарига чиқишидир. Беларус Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонунида фуқаролар томонидан қурол ва ўқ-дори олиш ҳуқуқига доир нормада қурол сотиб олиш тақиқланадиган асослар рўйхати мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг муайян тоифалари учун маъмурий жазога тортилган шахслар қурол сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ушбу рўйхат даврий равишда қайта кўриб чиқилиб, кенгайтирилиб борилмоқда. Шунга ўхшаш ечим Россия Федерациясида ҳам қўлланилади, у ерда жамоат тартибига ёки бошқарув тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар учун бир йил ичида такроран маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларга лицензия берилмайди. Демак, маъмурий жазо бу ерда нафақат жазолаш воситаси, балки лицензиялаш тизимининг филтрлаш механизми сифатида ҳам иш кўради. Ушбу ҳодиса маъмурий жавобгарлик институтининг маъмурий-рухсат бериш тизими билан интеграциялашувини кўрсатади ва унинг превентив салоҳиятини сезиларли даражада оширади.

МДХ давлатларида қурол соҳасидаги маъмурий-деликт қонунчилигининг ривожланиш динамикасини кузатар эканмиз, сўнгги ўн йилликда бир қатор барқарор тенденцияларни ажратиш мумкин. Биринчи тенденция — қонунчиликнинг оммавий резонансли воқеалардан кейинги реактив қатъийлашуви. 2021 йилда Россия Федерациясида таълим муассасаларида содир этилган қуролли ҳужумлар қурол сотиб олиш ёшининг оширилиши, тиббий кўрикнинг қатъийлаштирилиши ва бир қатор янги деликт таркибларининг киритилишига олиб келди. Қозоғистонда 2022 йил январь воқеаларидан кейин қурол айланмаси устидан назорат кучайтирилди ва ноқонуний сақланаётган қуролни топширишга доир кенг қўламли тадбирлар ўтказилди. Ушбу реактив характер қонунчилик сифатига ҳар доим ҳам ижобий таъсир кўрсатмайди, зеро шошилиш тарзда қабул қилинган нормалар кўпинча тизимли уйғунликдан маҳрум бўлади.

Иккинчи тенденция — қурол айланмаси соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг рақамли муҳитга кўчиши ва қонунчиликнинг бунга жавобан ўзгариши. Интернет орқали қурол ва унинг таркибий қисмларини реализация қилиш, шунингдек қурол тайёрлаш усуллари ҳақидаги маълумотларни тарқатиш янги деликт таркибларининг шаклланишига олиб келди. Россия Федерациясида ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш квалификацияловчи белги сифатида мустаҳкамланди. Беларус ва Қозоғистонда ҳам портловчи қурол ва

портловчи моддалар тайёрлаш усуллари ҳақидаги услубий материалларни ноқонуний тайёрлаш ва (ёки) тарқатиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. Ушбу йўналиш келгусида янада ривожланиши эҳтимоли юқори, айниқса аддитив технологиялар (3D-принтерда қурол қисмларини тайёрлаш) тарқалиши шароитида.

Учинчи тенденция — қурол айланмаси предметлари доирасининг кенгайиши. Замонавий қонунчилик анъанавий ўқотар қуролдан ташқари ўқ отмайдиган ҳолга келтирилган қурол, сигнал қуроли, юқори энергияли пневматик қурол, қуролнинг асосий қисмлари ва компонентлари, шунингдек патрон тайёрлаш учун мўлжалланган ташаббускор ва ёнувчи моддаларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу кенгайиш объектив заруратдан келиб чиққан бўлиб, амалиётда айнан бу предметлар тўлақонли ўқотар қуролга қайта ишланиши ҳоллари кўпайганлиги билан изоҳланади.

Тўртинчи тенденция — жавобгарликнинг дифференциацияси ва индивидуаллаштирилиши. Бу тенденция ҳам предмет бўйича (Қозоғистон ва Беларус моделлари), ҳам субъект бўйича (Қозоғистоннинг тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиши), ҳам ҳаракат тури бўйича (Россиянинг 20.8-моддасини кўп сонли қисмларга бўлиши) намоён бўлмоқда. Ушбу тенденция маъмурий жазонинг адолатлилиги ва мутаносиблиги тамойилларини таъминлашга хизмат қилади ва умуман ижобий баҳоланиши лозим, гарчи у қонунчилик матнининг ҳажмини оширса ҳамда унинг қўлланилишини мураккаблаштира-да.

Айни пайтда таҳлил қилинган қонунчиликда бир қатор тизимли муаммолар ҳам мавжуд. Биринчи муаммо — маъмурий ва жиноий жавобгарлик чегарасининг барқарор эмаслиги. Россия Федерацияси мисолида кўрганимиздек, фуқаролик ўқотар қуролига нисбатан ҳаракатларнинг декриминализацияси ҳуқуқни қўлловчи амалиётда узоқ вақт давомида чалкашликларни келтириб чиқарди: судлар ўтган давр ҳаракатларини квалификация қилишда, шунингдек давом этувчи ҳуқуқбузарликларни баҳолашда қийинчиликларга дуч келди. Кассация инстанцияси судлари томонидан рухсатнома муддатини узайтирмаган ҳолда қуролни сақлашни жиноят деб топган ҳукмларнинг бекор қилиниши бунинг ёрқин мисолидир.

Иккинчи муаммо — бланкет диспозицияларнинг ҳаддан ташқари кенг қўлланиши. Маъмурий-деликт нормаси қуролни сақлаш ёки олиб юриш қоидаларининг бузилишига йўлланма бергани ҳолда, бу қоидалар ҳукумат қарорлари ва идоравий йўриқномаларда белгиланади ва тез-тез ўзгариб туради. Натижада фуқаро ўз хатти-ҳаракатининг ҳуқуқий оқибатларини олдиндан кўра билиш имкониятидан қисман маҳрум бўлади, бу эса ҳуқуқий аниқлик тамойилига зид келади. Ушбу муаммонинг ечими — қоидаларнинг энг муҳим, деликт аҳамиятига эга қисмларини қонун даражасидаги ҳужжатда мустаҳкамлашдадир. Учинчи муаммо — санкцияларнинг мутаносиблиги масаласи. Мусодаранинг императив тарзда белгиланиши айрим ҳолларда ҳуқуқбузарликнинг реал ижтимоий хавфлилиги билан номуаносиб бўлиб чиқиши

мумкин, масалан, қимматбаҳо коллекцион қурол сақлаш қоидаларининг формал бузилиши ҳолатларида. Мулк ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари нуктаи назаридан бундай ҳолатларда судга мутаносиблик мезони асосида мусодарадан воз кечиш имконини берувчи механизмни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчи муаммо — маъмурий преюдиция институтининг тизимсиз қўлланиши. Такрорийлик белгиси айрим ҳолларда маъмурий жавобгарлик доирасида квалификацияловчи белги сифатида, бошқа ҳолларда эса жиноий жавобгарликка ўтиш асоси сифатида қўлланилади, бунда ушбу иккита функция ўртасидаги ҳуқуқий чегара доимо ҳам аниқ эмас. Қозоғистон модели ушбу масалада нисбатан изчил ечим таклиф қилади, бироқ у ҳам барча деликт таркибларига бир хилда татбиқ этилмаган.

Бешинчи муаммо — МДХ маконида терминологик ва санкциявий уйғунликнинг етишмаслиги. Ягона божхона ҳудуди ва фуқароларнинг эркин ҳаракати шароитида қурол айланмасига оид миллий режимлар ўртасидаги жиддий фарқлар ҳуқуқий арбитраж имкониятини яратади: бир давлатда эркин муомалада бўлган предмет иккинчи давлатда тақиқланган бўлиши мумкин. Ушбу муаммонинг қисман ечими МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг намунавий қонунчилик ҳужжатлари доирасида қўрилган, бироқ намунавий актларнинг тавсиявий характери уларнинг амалий таъсирини чеклаб қўяди. Назаримизда, келгусида МДХ ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида қурол айланмаси соҳасида ягона таснифлаш тизимини ва предметлар рўйхатининг умумий стандартини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Ўтказилган қиёсий таҳлил Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришга доир бир қатор хулоса ва таклифларни шакллантириш имконини беради. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қурол айланмаси соҳасидаги деликт таркибларини Қозоғистон ва Беларус тажрибасига мувофиқ предмет мезони асосида аниқ дифференциациялаш мақсадга мувофиқ. Бунда нарезли ўқотар қурол ва ҳарбий ўқ-дориларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар истисносиз тарзда жиноий жавобгарлик доирасида қолдирилиб, силлиқ милтиқли овчилик қуроли, газли, пневматик ва сигнал қуролига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чегаралари аниқ белгиланиши лозим. Бундай ечим квалификация хатоларини камайтиради ва ҳуқуқий аниқликни оширади.

Иккинчидан, қурол муомаласи тушунчасининг қонуний таърифини бевосита маъмурий-деликт кодекси матнига, тегишли моддага эслатма шаклида киритиш тавсия этилади. Қозоғистон тажрибаси кўрсатганидек, бундай ечим ҳуқуқни қўлловчи органнинг бланкет нормага мурожаат қилиш заруратини камайтиради ва нормани мустақил равишда қўллаш имконини беради.

Учинчидан, юридик шахсларга нисбатан жарима миқдорларини уларнинг иқтисодий салоҳиятига қараб дифференциациялаш механизмни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги шароитда барча юридик шахсларга бир хил жарима

миқдорининг қўлланиши йирик ташкилотлар учун жазонинг превентив таъсирини деярли йўққа чиқаради, кичик субъектлар учун эса ҳаддан ташқари оғир юк бўлиб қолади.

Тўртинчидан, қуролни ихтиёрий равишда топшириш институтини қонунда аниқ ва бир маънода мустаҳкамлаш, шунингдек уни моддий рағбатлантириш механизми билан тўлдириш зарур. Таққосланаётган уч давлат тажрибаси ушбу институтнинг ноқонуний қурол айланмасини камайтиришдаги юқори самарадорлигини тасдиқлайди. Бунда норма матнида топширишнинг ихтиёрийлик мезони — яъни шахс қуролни топшириш имкониятига эга бўлган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланишидан олдин уни топширгани — аниқ белгиланиши лозим.

Бешинчидан, маъмурий жавобгарликка тортиш факти билан қурол олиш ҳуқуқининг чекланиши ўртасидаги ҳуқуқий алоқани тизимли тарзда мустаҳкамлаш таклиф этилади. Беларус ва Россия тажрибаси кўрсатганидек, маъмурий жазонинг лицензиялаш тизимидаги филтрлаш функцияси унинг превентив салоҳиятини сезиларли даражада оширади. Бироқ бунда чекловларнинг муддатлари ва асослари аниқ белгиланиб, уларнинг мутаносиблиги таъминланиши шарт.

Олтинчидан, санкцияларда мусодаранинг мажбурийлик даражасини ҳуқуқбузарлик предметининг хавфлилигига боғлаб дифференциациялаш, шунингдек жарима миқдорларини базавий ҳисоблаш миқдorigа боғлаб белгилаш амалиётини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарур. Ушбу ечим жазо чораларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди ва қонунчиликка тез-тез тузатишлар киритиш заруратини бартараф этади.

Еттинчидан, қурол айланмаси соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ваколатли органларнинг функцияларини рационаллаштириш, назорат ва деликт таъқиби функцияларининг ахборот жиҳатдан интеграциясини таъминлаш, шунингдек қурол эгалари ва рухсатномаларнинг ягона рақамли реестрини юритиш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Рақамлаштириш ушбу соҳада нафақат маъмурий юқори камайтиради, балки ҳуқуқбузарликларнинг латентлик даражасини ҳам сезиларли равишда пасайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигида ўқотар қурол ва унинг ўқ-дориларининг ноқонуний муомаласи учун маъмурий жавобгарлик институти умумий совет ҳуқуқий анъанасидан келиб чиққан ягона негизга эга бўлса-да, сўнгги ўн йилликларда учта фарқли модел шаклида ривожланди. Россия модели деликт таркибларининг максимал дифференциацияси, санкциялар тизимининг кенглиги ва жазо чораларининг нисбатан қатъийлиги билан ажралиб туради; унинг заиф томони — жарима миқдорларининг абсолют рақамларда белгиланиши ва маъмурий-жиноий чегаранинг нисбатан барқарор эмаслигидир. Беларус модели соддалик, предмет мезонининг изчил қўлланиши ва нормаларнинг ихчамлиги билан характерланади; унинг афзаллиги — ҳуқуқий аниқлик даражасининг

юкорилигида. Қозоғистон модели эса қонуний таърифларнинг кодекс матнига киритилиши, субъектларнинг иқтисодий салоҳиятига қараб дифференциацияланиши ва такрорийлик институтининг изчил қўлланиши билан алоҳида ажралиб туради; у қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан энг илғор ечимларни таклиф қилади.

Ушбу моделларнинг ҳар бири ўз афзаллик ва камчиликларига эга бўлиб, уларнинг қиёсий таҳлили миллий қонунчиликни такомиллаштиришда танқидий тарзда фойдаланилиши мумкин бўлган бой эмпирик материални тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси учун энг мақбул йўналиш, назаримизда, Қозоғистон моделининг қонунчилик техникасига оид ечимларини (қонуний таърифлар, субъектлар дифференциацияси, такрорийлик институти) Беларус моделининг предмет мезонига асосланган соддалиги билан уйғунлаштиришдан иборат бўлиши мумкин. Айни пайтда ҳар қандай ислохот миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзига хослиги, деликтологик вазиятнинг реал ҳолати ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт. Қурол айланмаси соҳасидаги маъмурий жавобгарлик институтининг пировард мақсади — жазолаш эмас, балки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашдир, ва ушбу мақсад ҳар қандай қонунчилик ечимининг самарадорлигини баҳолашда ягона ва ҳал қилувчи мезон бўлиб қолиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси, 2001 йил 30 декабрь, № 195-ФЗ (амалдаги тахрирда), 20.8–20.15-моддалар.
2. Россия Федерациясининг Жиноят кодекси, 1996 йил 13 июнь, № 63-ФЗ (амалдаги тахрирда), 222, 222.1, 222.2, 223-моддалар.
3. «Қурол тўғрисида»ги Россия Федерациясининг Федерал қонуни, 1996 йил 13 декабрь, № 150-ФЗ.
4. Беларус Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси, 2021 йил 6 январь, № 91-3, 24.29–24.32, 24.46-моддалар.
5. Беларус Республикасининг Жиноят кодекси, 295, 296, 297-моддалар.
6. «Қурол тўғрисида»ги Беларус Республикасининг қонуни, 14-модда.
7. Қозоғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси, 2014 йил 5 июль, № 235-V ЗРҚ, 482, 483, 484-моддалар.
8. Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси, қурол айланмасига оид моддалар.
9. Россия Федерацияси Олий Суди Пленумининг «Қурол, ўқ-дори, портловчи модда ва портлатувчи қурилмаларни талон-торож қилиш, товламачилик йўли билан олиш ва ноқонуний муомаласига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2002 йил 12 мартдаги 5-сонли қарори.
10. МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг қурол айланмасини тартибга солишга доир намунавий қонунчилик ҳужжатлари.
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонуни.